

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 март куни соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 18 март куни тиббиёт ходимлари билан очик мулоқот ўтказган эди. Унда айtilлган муаммо ва тақлифлар бўйича 24 март куни Президент фармойиши қабул қилиниб, етти та йўналишда вазифа ва масъуллар белгиланди.

Йиғилишда шу борада бошланган ишлар ва ойлик режалар кўриб чиқилди. Аввало, апрель ойида 1 миллион нафар хавф гуруҳига кирувчи аҳоли, 700 минг нафар бола ва 100 минг нафар ҳомиладор аёлни мақсадли скринингдан ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Хар бир оилавий поликлиникада кундүзги стационар, 400 та маҳаллада оилавий шифокорлик пункти, олис ҳудудларда контейнерлардан 1 минг 700 та тиббиёт пункти ташкил этишнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Маҳаллабали тизимда ишлаб, сифатли тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, одам-

ларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Тўғри овқатланиш, жисмоний машқлар, касалликлар профилактикаси бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиб, оилаларга тарқатиш муҳимлиги қайд этилди.

Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, олис ҳудудларда қўшимча бригадалар тузиш, бу тизимдаги анестезиолог ва реаниматологлар ойлик иш ҳақига устама бериш бўйича белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда инвестиция дастури доирасида тиббиёт муассасаларини қуриш ва таъмирлаш ишларига бюджетдан 1 триллион 200 миллиард сўм ажратилган. Мутасаддиларга қурилиш ишларини жадаллаштириш, тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Очик мулоқотда республика

ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари янги, юқори технологик даволаш усулларини йўлга қўйиши зарурлиги айтилган эди. Мисол учун, ҳар йили “оққон” касаллиги бўйича 200 нафаргача бемор илик кўчириш операциясига муҳтож. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида замонавий шароит яратиш орқали ушбу амалиётни йўлга қўйиш мумкинлиги таъкидланди. Бундай ишларни барча тиббиёт марказларида ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат шифохоналари ва хусусий тиббиёт ташкилотлари учун ягона тарифларни тасдиқлаш, хусусий клиникаларда ҳам йўлланма асосида тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтириш вазифаси белгиланди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари, шифокорлар, ҳокимлар очик мулоқотда белгиланган вазифалар ижроси бўйича ахборот берди.

Ў.А.

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган 29-30 март кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Олий мартабали меҳмон ташриф доирасида олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик кенгашининг иккинчи йиғилишида иштирок этади. Ўзбекистон ва Туркия етакчилари ўтказадиган музокараларнинг кун тартибидан икки томонлама дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мус-

таҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Асосий эътибор савдо, инвестициялар, инновациялар, саноат, логистика, туризм ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш, маданий-гуманитар

алмашинув дастурларини амалга оширишга қаратилди. Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Саммит якунида Қўшма баёнот ва икки томонлама қатор ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Ў.А.

Ўзбекистон — Туркия: БАРДАВОМ ҚАРДОШЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг мамлакатимизга расмий ташриф бошланади. Икки томонлама алоқалардаги ушбу муҳим сиёсий воқеа боис Ўзбекистоннинг қардош Туркия билан стратегик шериклик даражасидаги муносабатларининг эътиборга молик бўлган айрим жиҳатларига бир назар ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Узоқ ўтмишдан маълумки, Ўзбекистон билан Туркияни тил ва тарих, маданият ва анъаналар муштараклигига асосланган эқин дўстлик ва қардошлиқ ришталари бoғлаб туради.

Мамлакатимизнинг мустақил ривожланиши соғломасига назар ташланса, Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлат сифатида тарихда қол-



апрель ойида Тошкентда Туркия элчихонаси очилган. 1993 йил май ойидан бошлаб эса Анкарада Ўзбекистон элчихонаси, 1996 йил октябрь ойидан эътиборан Истанбулда бош консулхона, 2021 йил март ойидан Самарқандда Туркиянинг

бош консулхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шу пайтга қадар Ўзбекистондан Туркияга ва аксинча, Туркиядан мамлакатимизга қўплаб олий даражадаги ташрифлар бўлиб ўтди.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 март куни соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокида давлатларнинг Парламентлараро Ассамблеяси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтмоқда.

Шу йилнинг 28-29 март кунларига мўлжалланган ушбу анжуман Парламентлараро Ассамблеянинг 30 йиллиги муносабати билан ташкил этилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги мамлакатимизнинг парламенти делегацияси ҳам қатнашмоқда.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент вилоятининг Оқори Чирчиқ туманида бўлиб, ҳудуд маҳаллаларида фаолиятини бошлаётган хотин-қизлар фаоллари билан суҳбатлашди.

Жараён

Учрашувда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси бош қарма б о ш л и г и М. Нурматова, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи З. Мирғозиева, туман ҳокими У. Атемов ҳамда сектор раҳбарлари иштирок этди.

Очик мулоқотда таъкидланганидек, бугун юртимиз улкан тараққиёт йўлини босиб ўтмоқда. Бу йўлнинг масъулияти ва шонли саҳифаларига ҳар биримиз гувоҳ ва бевосита иштирокчи бўлмоқдамиз. Эришилаётган муваффақиятлар замирида эса фидойилик билан ўз касбини кадрлаб, бошқаларга ибрат бўлаётган хотин-қизларнинг ҳам ўрни бекбёсдир.

Шу маънода, барча номзодларга хотин-қизларнинг жамиятда иқтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, барча соҳада қўллаб-қувватлашга доир ислохотлар мазмун-моҳияти тушунтирилиб, уларни амалга татбиқ этиш юзасидан зарур

«Халқ сўзи».

Фракцияларда ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Кеча сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги фракцияларида навбатдаги йиғилишлар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз иқтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Соҳадаги зиддиятлар қачон бартараф этилади?

ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишида дастлаб “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжатда ер қаъри участкаларидан фойдаланувчилар учун минимал талаблар аниқ ва очик тарзда келтириб берилмоқда. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, геологик жиҳатдан ўрганиш ўтказилмаган ва кам ўрганилган ер қаъри участкаларини халқаро стандартлар асосида блоклар (майдонлар)га ажратиш тизими жорий этиляпти. Қолаверса, ўрганилганлик даражаси ва кон очиш салоҳияти юқори бўлган майдонларни геологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда аниқланган конлардан фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун рухсатномалар “Е-auktsion” платформасида ўтказиладиган онлайн-аукцион натижаларига кўра берилиши белгиланаётир.

Таклиф этилаётган лойиҳада ер участкалари давлат ҳамда жамоат эҳти-

ёжлари учун олиб қўйилиб, Давлат геология қўмитасига ва Давлат экология қўмитасига уларнинг мурожаатларига асосан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилиши ҳамда кейинчалик ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун ижарага берилиши назарда тутилмоқда. Бунда мазкур ер қаъри участкалари ер қаъридан фойдаланувчига ижарага берилгунга қадар ер солиғи объекти ҳисобланмайди.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ер ости бойликлари-дан фойдаланиш тизимидаги зиддиятлар бартараф этилишига хизмат қилганини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Фракция йиғилишида, шунингдек, “Қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марказида бўлди. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ қоидаларнинг ўзаро мувофиқлаштирилмаган нормаларини бартараф этиш имконини яратди, атамалар ва тушунчаларнинг бирчилигини таъминлайди.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасини маромига етказиш, пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш бўйича бир қатор таклифлар берди ва ушбу ҳужжатни маъқулади.

Давлат қарзини бошқаришнинг стратегияси белгиланади

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу ҳужжатда “давлат кафолати”, “давлат қарзи”, “давлат қарзини қайта молиялаштириш”, “давлат томонидан маблағ жалб қилиш”, “қарз берувчи” ва “қарз олувчи” каби тушунчалар киритилмоқда. Шунингдек, давлат идораларининг бу борадаги ваколатлари, давлат қарзини бошқаришнинг асосий принциплари, очкичлик ва шаффофлиги, стратегияси белгиланяпти.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасини тайёрлашда Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки ва АҚШ Фазначилигининг 13 нафар эксперти иштирок этиб, лойиҳа юзасидан 9 та вазирлик ва идоранинг экспертиза ҳулосалари олинди.

➡ 2

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ИМКОНияТЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Хабарингиз бор, яқинда Ватанимиз пойтахти — Тошкент муҳим халқаро анжуманга мезбонлик қилди. Илк маротаба ўтказилган халқаро инвестиция форумида 56 та давлатдан 1,5 мингдан зиёд йилрик инвесторлар ҳамда юқори мартабали меҳмонлар, хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки президентлари, хорижий давлатлар вазирлик ва идоралари вакиллари, йилрик корпорация ва компаниялар раҳбарлари қатнашди.

Фикр

Мазкур форумдан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистоннинг инвестиция салоҳияти билан халқаро сармоядорларни яқиндан таништириш орқали уларни юртимизга кенг жалб этиш бўлиб, бунга тўлиқ эришидик, дейиш учун етарлилик асослар бор. Аниқ айтадиган бўлсак, ҳали форум туманасидан туриб қатор келишувларга эришилди. Бундан кейин натижа янада салмоқли бўлиши кутилмоқда.

Хорижликлар Ўзбекистонга бежиз қизиқиш билдиришгаётгани йўқ. Бу, албатта, кейинги йилларда юртимизда қулай инвестиция муҳити яратилгани билан изоҳланади. Хусусан, охиргги йилларда шу мақсадда қатор қонунлар ва Президент

қарорлари қабул қилиниб, ҳаёtgа татбиқ этилди. Шулар асосида инвестициявий жозибдорлиқни ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омилли бўлган инфра-тузилмага йўналтирилган инвестициялар жадал ўсишини таъминлаш ҳамда сармоявий фаолиятни рағбатлантириш чоралари кўрилди. Айни чоғда рақамлаштириш ва давлат хизматларини масофавий тақдим этиш орқали инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш мақсадида инвесторлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни оптималлаштириш ишлари изчил давом эттирилди.

➡ 3

ЎЗБЕКИСТОН – ЯШАШ ВА ИШЛАШ УЧУН ҚУЛАЙ МАМЛАКАТ

Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон сармоявий сиёсатни ўзгартариш, хорижий капитални жалб қилиш, маҳаллий, қитъа ва жаҳон брендлари даражасида янги ҳамкорликка интилиш бўйича улкан режани қабул қилиб, бутун дунё сармоядорлари учун ўз қучогини очди. Биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумини ташкил этишдан қўзланган мақсад — Ўзбекистоннинг ўзаро ҳамкорлик учун дунёга очкичилигини яна бир намоён этиш, халқаро инвестиция алмашуви учун янги марраларни белгилаш, халқ фаровончилигини, иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, муносиб иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартириш, инвестициявий жозибдорлиқни янада ошириш эди. Қолаверса, у Ўзбекистон бозорига ўз фаолиятини кенгайтиришдан манфаатдор бўлган хорижий инвесторлар, молия-иқтисодий ташкилотларни, иқтисодий драйверларни ҳисобланган энергетика, машинасозлик, электротехника, ахборот технологиялари, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат саноати, қурилиш соҳалари ҳамда ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг кенгайтиришини ҳам мақсад қилганди.

Нуқтаи назар

Форум “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастури-нинг 112-банди иқросини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамият-лидир. Унда пойтахтимизда 2022 йил-дан бошлаб ҳар йили Тошкент халқа-ро инвестиция форумини ўтказиб бо-ришга оид вазифалар белгиланган.

Тошкент инвестиция форуми, би-ринчи навбатда, Марказий Осиё ми-нақасининг юрағида жойлашган ва жа-дал ривожланаётган тинчликсевар мам-лакат — Ўзбекистон учун янги имко-

ниятлар эшигини очади, албатта. Фо-рум давомида эришилган келишув ва ахдномаларга қараганда, қўллаб хо-рижий инвесторлар, шу жумладан, Евро-па мамлакатлари инвесторлари Ўзбекистонга сармоя киритиш нияти-да. Бу, албатта, мамлакатимизнинг сўнгги беш йил ичида эришган муҳим муваффақиятларининг ёрқин далили, десак, сира муболага бўлмайди. Ра-қамларга мурожаат қилсак, форум до-ирасида умумий қиймати 7 миллиард 833 миллион долларлик 164 та шарт-

нома имзоланди. Келишувларнинг 97 таси инвестициявий, 67 таси сав-до битимини ўз ичига олади. Хорижий инвесторлар, йилрик хорижий компания-лар, вазирлик ва идоралар ҳамда ма-ҳаллий корхоналар ўртасида тузилган ушбу шартномалар орқали мамлака-тимиз тараққиётга хизмат қиладиган қатор лойиҳалар амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, узоқ йиллик танаффусдан кейин инвес-торларнинг мамлакатимиз бозорига қайтиши кузатилмоқда. Баттада, бу-



нинг сабаблари кўп. Энг аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг қучли сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистонда иқтимоий ҳаётнинг бар-ча соҳасида ислохотлар ўтказилмоқ-да. Бундан беш йил аввал Ҳаракат-лар стратегияси доирасида кенг қўламли демократик ислохотларни амалга ошириш йўли танланди. Ушбу ислохотлар дастури қонун устуворли-гини таъминлаш, рақобатни ривож-лантириш, коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш каби муҳим йўна-

лишларни ўзида муҷассам этган. Му-ҳими, ислохотлар муқарраллиги ва орт-га қайтмаслигини Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга намоиши этиб бўлди. Иккинчидан, Ўзбекистон ўзининг гео-график жойлашувига кўра, Шимол ва Жанубни, Ғарб ва Шарқни магистр-аль транзит коридорлари орқали боғлаб турадиган Марказий Осиё минтақасининг ўзгаги ҳисобланади.

Учинчидан, инвесторларнинг Ўзе-кистон бозорига кириши ва эркин фаолият юритишга тўқинлик қилган барча омиллар бартараф этилди, тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратилмоқда. Хусусан, 2017 йилда мил-лий валютамиз — сўмнинг эркин кон-вертацияси жорий этилиб, хорижий инвесторларга фойда билан боғлиқ барча чекловлар олиб ташланди. Тўртинчидан, банк ва йилрик корхона-лар илк марта халқаро рейтинглар олиб, жаҳон молия бозорларига чиқ-ди. Дунё бозорларига миллий валю-таимизда ҳам халқаро облигациялар чиқарилди.

➡ 3

